



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

Умаров Илхомжон Юлдашевич

Анджон давлат университети в.б.профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, Анджон, Ўзбекистон. umarov_iyu@rambler.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a25

Анотация

Ушбу мақолада омиларнинг ноаниқлиги корхонани белгиланган вақтда мақсадларига эришишига тўсқинлик қилаётган омилар юзасидан фикрлар берилган. Бундай вазиятда корхонада ўз-ўзини бошқариш механизмини ишлаб чиқадиган, белгиланган мақсадларга ўз вақтида ресурсларни сарф қилишнинг мақбул миқдори орқали эришишга имкон берувчи бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми муҳимлиги асосланган.

Калит сўзлар: корхонани бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизми, самарадорлик, ахлит миқдор, параметр, хусусият, омилар таъсирчанлиги, коэффциенти.

Аннотация

В этой статье рассматриваются факторы, из-за которых неопределенность мешает предприятию своевременно достичь своих целей. При этом значение организационно-экономического механизма управления, развивающего механизм самоуправления на предприятии, позволяет достичь поставленных целей за счет оптимального объема своевременного расходования ресурсов.

Ключевые слова: организационно-экономический механизм управления предприятием, эффективность, интегральная величина, параметр, признак, чувствительность факторов, коэффициент.

Abstract

This article discusses the factors that make it difficult for an enterprise to achieve its goals in a timely manner. At the same time, the importance of the organizational and economic management mechanism, which develops the mechanism of self-government at the enterprise, makes it possible to achieve the goals set due to the optimal amount of timely expenditure of resources.

Key words: organizational and economic mechanism of enterprise management, efficiency, integral value, parameter, sign, sensitivity of factors, coefficient.

Кириш

Ҳар бир корхона аниқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган ўз қарашлари ҳамда ривожланиш стратегиясига эга. Айниқса корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш жараёнини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда корхоналарнинг ташқи ва ички муҳити тез ўзгарувчанлиги сабабли саноат корхоналари фаолиятига кўплаб омиллар таъсир кўрсатмоқда, буларга рақобат, хомашё нархларининг ўзгариши, фоиз ставкалари, валюта курсларининг ўзгариши, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ўзгариши, илмий-техник тараққиёт ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Ушбу каби омилларнинг ноаниқлиги корхонани белгиланган вақтда мақсадларига эришишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай вазиятда корхонада ўз-ўзини бошқариш механизмини ишлаб чиқадиган, белгиланган мақсадларга ўз вақтида ресурсларни сарф қилишнинг мақбул миқдори орқали эришишга имкон берувчи бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми муҳим рол ўйнайди.

Иқтисодиётнинг пандимия жараёнида юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлар эса ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этмай қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...миллий иқтисодиётнинг мутаносиблигини, барқарорлигини таъминлаш ҳамда уни таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини ва маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш даркор” [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг кўп омилли эконометрик моделлар таҳлиliga бир қатор хорижлик олим: Р.Деннис, Т.Оваска, Р.Капоне, Б.Ловдер [2,3,5,6] ларнинг илмий изланишлари бағишланган.

МДХ олимларидан эса О.Гогб, А.А.Кульман, М.Кисель, Н.П.Шилова Н.Е.Павленко [4,10,12,13] ларнинг тадқиқотларида кенг баён этилган.

А.А.Кульман ташкилий иқтисодий механизм бўйича бир қатор фикрларни ўз тадқиқот ишларида билдирган. Жумладан, унинг фикрича ташкилий-иқтисодий механизм – иқтисодий ҳодисаларнинг аниқланган мажмуи ёки кетма-кетлигини билдиради [10].

О.Гогбнинг фикрича озиқ-овқат саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмини асосий мақсади бошқарув объектига таъсир кўрсатиш орқали самарадорликни ҳамда рақобатбардошликни оширишдир [4].

Н.П.Шилова фикрича, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий механизм ишлаб чиқариш жараёнларини ҳамда жамиятдаги ишлаб чиқариш кучлари динамикасини тартибга солади. Бундай тартибга солиш ташкилий-иқтисодий механизм [12] деб юритилади.

Ўзбекистонлик маҳаллий олимлардан Б.Беркинов, И.Бобоев, У.Ғафуров, О.Исмаилов, Н.Сотволдиев [7,8,9,11,14] ва бошқалар ўрганиб чиққан.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар ўрганилаётган муаммонинг тизимли ёндашувини акс эттирса-да, бироқ бугунги кунда мамлакат озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг кўп омилли эконометрик моделлар таҳлиlinи такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганиб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг танланиши, унинг мақсади ва аниқ вазибаларини белгилаб беради.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёзишда озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувини ташкилий-иқтисодий механизми бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги таниқли олимларнинг илмий ишлари моҳияти ўрганилиб, озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувини ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш услубиёти кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида ахборот техникаларидан, илмий-амалий анжуман тўпламларидан, интернет маълумотларидан фойдаланган ҳолда мазкур ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш самарадорлигини ошириш юзасидан ушбу фаолият турини таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш каби усуллардан фойдаланилган ҳолда хулоса ва таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Корхонани бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизми бу корхона олдига қўйилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган чора – тадбирлар мажмуи бўлиб, корхона фаолиятини турли жиҳатларини баҳолаш воситалари орқали бирлаштирган мураккаб тизимдир. Шу билан бирга, корхонани бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизми бу унинг рақобатбардош, узоқ муддатли, уйғун ривожланиши учун жавоб берадиган умумий бошқарув механизмининг бир қисмидир [16].

Бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизмини ташкил этишда дастлаб лойиҳалаштирилаётган механизмни баҳолаш талаб этилади. Ҳар қандай корхонани бошқариш механизмини баҳолаш мураккаб масала ҳисобланади, чунки уни ҳал қилиш учун маълум бир жараён ёки объектни реал шароитларда тизимли ва таркибий моделлаштиришдан фойдаланиш, шунингдек ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан параметрлари билан келажакда унинг ҳолатини башорат қилиш зарур. Баҳолашда бошқарув механизмга таъсир этувчи омилларни яхлит миқдор, параметр ёки хусусиятга келтириш мураккаб жараён ҳисобланади.

Амалиётда бошқарув механизмини баҳолаш корхона фаолияти натижалари ва бошқарув тизимининг ҳолатини тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бироқ, ушбу метод корхонанинг бизнес жараёнларини етарли тадқиқ этишга, белгиланган мақсадларга эришиш даражаси ва корхонанинг бизнес жараёнларини аниқ баҳолашга имкон бермайди.


Шунинг учун бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолашда қуйидаги меъзонларга асосланиш лозим:

– бошқарув жараёнларининг хаётийлик цикли. Ушбу меъзон корхонани бошқарув модели самарадорлигини аниқлаб, корхона фаолияти қай даражада эканлиги ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолайди.

– корхонани ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни баҳолаш. Ушбу меъзонда йиллик режалаштирилган вазифаларни ижроси турли молиявий, иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади.

Корхонанинг бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расмга қarang).

Ташкилий - иқтисодий бошқарув механизмини баҳолаш учун биз фақат бизнес-жараёнларини сифатини баҳолаймиз, чунки ушбу жараёнлар корхоналарни бошқариш тизими боғлиқ бўлади. Корхонани бошқариш механизмини таҳлил қилиш жараёнида баҳолашни олиб борувчи эксперт асосий бошқарув жараёнларини мустақил равишда белгилайди.



1-расм. Корхонани бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш жараёни [17]

Бундай бошқарув жараёнларига корхона ривожланишининг ташқи ва ички муҳит омилларини, рақобат муҳитида мумкин бўлган ўзгаришларни башорат қилиш, корхонани ривожлантириш билан боғлиқ стратегияни тузиш, корхона ривожланиши учун тадбирлар режалаштириш, ҳаракатлар дастурини белгилаш, корхона стратегиясини амалга ошириш бўйича тадбирларни ташкил этиш, ходимларни корхонанинг стратегик мақсадлари ва вазифаларини бажаришга ундаш, рақобат шароитида корхонани ривожлантириш бўйича асосий фаолиятни мувофиқлаштириш, корхонанинг стратегик мақсадлари ва вазифаларини амалга оширилишини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, ҳисобот бериш, рақобат муҳитида стратегик мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳ.к.лар мисол келтириш мумкин.

Баҳолаш усули доирасида бошқарув жараёнларини хаётийлик цикли қуйидаги босқичларга ажратилади: жараённи ташкил этилиши, ривожланиши, барқарор ишлаши, самарадорлигини пасайиши, жараённи қайта ташкил этилиши ҳамда тугатилиши.

Бошқарув жараёнларини бошқаришни хаётийлик цикли босқичларига мос балларни аниқлаш мезонлари қуйидагича ифодаланади (1-жадвалга қаранг).

Бошқарув жараёнлари ҳаёт циклини аниқлаш параметрлари [17]

Бошқарув жараёнларини ҳаётлик цикли босқичлари	Бошқарув жараёнларини ҳаётлик цикли босқичини баҳолаш мезонлари	Баллар
Жараённинг ташкил этилиши	Ахборотлар оқимини идентификациялаш, ресурсларни аниқлаш ва бизнес жараёнини тартибга солиш ҳамда стандартлаштириш ишларини ўз ичига олади	2
Жараённи ривожланиши	Бизнес жараёнлари ўзгарувчан муҳит талабларига мувофиқ оптималлаштирилган регламент асосида фаолият кўрсатиши назарда тутилади	3
Жараённи барқарор ишлаши	Бизнес жараёнидаги рол ва масъулият тақсимоти аниқ белгиланган бўлиши ҳамда амалий ифодасини топиши талаб этилади	4
Жараён самарадорлигини пасайиши	Жараёнларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона атроф-муҳитига мос келмаслиги сабабли пасайиши натижасида жараён тугатилиши ёки қайта ташкил этилиш кузатилади	1
Жараённи қайта ташкил этилиши	Мавжуд бизнес жараёнини қайта инжиниринг қилиш, бунда бизнес жараёнининг қоидалари корхона муҳити талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқиши назарда тутилади	3
Жараённи тугатилиши	Бизнес жараёнига бўлган эҳтиёжни йўқотиш, бизнес жараёнини йўқ қилиш кузатилганда	0

Баллар сони корхона бошқарув жараёнларини ҳаётлик циклини самарадорлигига боғлиқ.

Агар бошқарув жараёнларини ҳаётлик циклини биринчи босқичга тўғри келадиган бўлса 2 балл, иккинчи босқич – 3 балл, учинчи босқич - 4 балл; тўртинчи босқич – 1 балл, бешинчи босқич - 3 балл, олтинчи босқич – 0 балл билан белгиланади.

Ушбу меъзондан фойдаланган ҳолда корхона бошқарув жараёнларини ҳаётлик цикли аниқланади, жадвалда келтирилган омилларга мувофиқлиги баҳоланади ҳамда қуйидаги формула бўйича биринчи меъзон учун балл ҳисоблаб чиқилади:

$$K_1 = \frac{KB_{BJ}}{4 * H_1}$$

K_1 - корхона бошқарув жараёнлари ҳаётлик циклини ривожланишини баҳолашдаги баллар сони;

KB_{BJ} – бошқарув жараёнларини ҳаётлик циклини баҳолаш натижасида аниқланган баллар йиғиндиси;

4 - бошқарув жараёнларини ҳаётлик циклини босқичига мос келадиган баллар сони;

H_1 - корхонада аниқланган бошқарув жараёнларини ҳаётлик цикли сони.

Шундан сўнг, эксперт корхонани ривожлантириш билан боғлиқ режаларни ҳисобга олган ҳолда муҳим кўрсаткичларни баҳолаш учун танлайди. Эксперт томонидан қуйидагича кўрсаткичлар танлаб олиниши мумкин, маҳсулот сотиш

хажми, рентабеллик, ликвидлилик, тўлов қобилияти, айланма маблағларнинг айланувчанлиги кабилар.

Танлаб олинган кўрсаткичларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

тўғридан-тўғри таъсир этувчи кўрсаткичлар бунда кўрсаткичлар тўғри чизиқли йўналишда таъсир кўрсатади (масалан, рентабеллик кўрсаткичлари, ликвидлик кўрсаткичлари, корхона даромади ва фойдаси);

тескари кўрсаткичлар, уларнинг пасайиши корхона самарадорлиги ортанлигини кўрсатади ва ижобий деб ҳисобланади (масалан, молиявий таъсир кучининг нисбати, молиявий цикл, активларнинг айланиш даври).

Корхоналардаги режалаштирилган ишларни бажарилиши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$VP = \frac{P_f}{P_{pl}} * 100$$

VP - режани мақсадга мувофиқ бажариш даражаси;

P_f - индикаторнинг реал қиймати;

P_{pl} - индикаторнинг режалаштирилган қиймати.

Режаларни бажарилиш фоизи балларга айлантирилади, тўғридан-тўғри ва тескари кўрсаткичлар учун балларни ҳисоблаш ишлари амалга оширилади (2-жадвалга қаранг).

Бунда ҳам баллар формула бўйича K₂ индикаторининг қийматига айлантирилади:

$$K_2 = \frac{KB_{FP}}{2 * H_2}$$

K₂ - мақсадли кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини баҳолашга асосланган баллар сони;

2-жадвал

Корхонадаги мақсадли дастурлар бўйича режани бажарилиш фоизини балларда ифодаланиши [17]

Кўрсаткичнинг ўсиш даражаси	Баллар сони ва ҳисоблаш усули	Изоҳлар
Тўғридан-тўғри кўрсаткичлар		
80 % дан кам	0 балл	Агар режанинг амалдаги бажарилиши 80% дан кам бўлса, у ҳолда корхона фаолияти қониқарсиз бўлиб 0 балл белгиланади
81 дан 99 % гача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади 0,1*(VP-80)	Агар режанинг ҳақиқий бажарилиши 80% дан ортиқ бўлса, унда кўрсаткичнинг ўсиши учун 80% дан юқори бўлган ҳар бир фоиз учун 0,1 балл белгиланади
100 %	2 балл	Корхона мақсадли қийматга етди, яъни режани тўлиқ бажарди
101 дан 119 % гача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади 0,1*(VP-100)+2	Корхона мақсадли кўрсаткичдан ошиб кетди, 100 % ўсиш суръатидан ошгани учун ҳар бир фоизга 0,1 балл қўшилади
120 % дан ортиқ	4 балл	Корхона белгиланган вазифани 120 фоиздан ортиғига бажарди. Вазият ижобий баҳоланиб, унга 4 балл

Кўрсаткичнинг ўсиш даражаси	Баллар сони ва ҳисоблаш усули	Изоҳлар
		берилади
Тескари кўрсаткичлар		
80 % дан кам	4 балл	Ўз фаолияти натижасида корхона тескари индикатор қийматини 80 % дан кўпроқ пасайтирди. Вазият ижобий баҳоланиб, унга 4 балл берилади
81 дан 99 % гача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(TP-80)+2$	Агар ҳисобот даврида тескари кўрсаткичнинг ўсиш суръати олдингисига нисбатан 100 % дан кам бўлса, у ҳолда кўрсаткичнинг 100 % дан пасайиши учун ҳар бир фоизга 0,1 балл белгиланади
100 %	2 балл	Ҳисобот давридаги корхона фаолияти кўрсаткичлари ўтган давр даражасида етди. Ушбу ҳолат корхоналарнинг барқарор ишлашидан далолат беради.
101 дан 119 % гача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(TP-100)$	Ҳисобот давридаги қарама-қарши кўрсаткичнинг 100 % дан ортиқ ўсиши салбий деб ҳисобланади, шунинг учун ҳар бир фоиз учун 100 % ўсиш кўрсаткичидан 0,1 балл айрилади.
120 % дан ортиқ	0 балл	Агар ҳисобот даврида тескари кўрсаткичнинг ўсиш суръати олдингисига нисбатан 120 % дан юқори бўлса, у ҳолда корхона фаолияти қониқарсиз ва 0 балл белгиланади

K_{FP} - режани бажарилишини баҳолашга асосланган баллар йиғиндиси;

2 - мақсад 100% бажарилганда берилган баллар сони;

H_2 - баҳоланган режалар сони.

Мақсадли кўрсаткичларни амалга оширишда мавжуд вазиятни мос ёзувлар ҳолати билан таққослаш амалга оширилди.

Икки мезон бўйича баҳолашни бирлаштириш натижасида корхоналарни бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлик даражаси аниқланади (3-жадвал).

3-жадвал

Корхонани бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизмини самарадорлик кўрсаткичлари [17]

Натижа даражаси (кўрсаткичлар оралиғи)	Мазмуни
Паст даража (K_1 қиймати 0 дан 0,50 гача; K_2 қиймати 0 дан 0,50 гача)	Бошқарув иш жараёнларининг аксарияти уларнинг самарадорлигини аниқлаш ёки камайтириш босқичида, мақсадлар режаси бажарилмаяпти
Ўртача даража (K_1 қиймати 0 дан 0,50 гача, K_2 қиймати 0,51 дан 2,00 гача ёки K_1 қиймати 0,51 дан 1,00 гача, K_2 қиймати 0 дан 0,50 гача)	Ташкилий - иқтисодий бошқарув механизми самарадорлигининг ўртача даражасига эга бўлган корхоналарни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа - барқарор бошқарув жараёнларига эга бўлган корхоналар, аммо белгиланган мақсадлар бўйича режа бажарилмаяпти. Бундай корхоналарда ташкилий-иқтисодий бошқарув механизмининг самарадорлиги паст даражадан юқори даражага кўтарилиш траекторияси мавжуд, шунинг учун менежмент иш

Натижа даражаси (кўрсаткичлар оралиғи)	Мазмуни
	жараёнларида содир бўлган ўзгаришлар корхонанинг мақсадли кўрсаткичларига эришишда акс этиши учун вақт талаб этилади. Иккинчи тоифа - бу бизнесни бошқариш жараёнлари самарадорликни аниқлаш ёки пасайтириш босқичида бўлган ва мақсадли кўрсаткичлар режаси бажарилаётган корхоналардир. Бундай корхоналар ташкилий ва иқтисодий бошқарув механизми ривожланишининг пастга йўналиши бўйича - юқори самарадорлик даражасидан ўртача даражага, яъни корхона режани мақсадли кўрсаткичлар бўйича бажармоқда, шу билан бирга бошқарув бизнес жараёнлари қайта ташкил этишни талаб қилади
Юқори даража (K_1 қиймати 0,51 дан 2 гача; K_2 қиймати 0,51 дан 2,00 гача)	Бошқарувт жараёнларининг аксарияти ривожланиш босқичида ёки барқарор фаолият юритмоқда, мақсадли кўрсаткичлар режаси бажарилмоқда (ва баъзи кўрсаткичлар бўйича у ортиқча бажарилмоқда)

Озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш бўйича таклиф этилган услубни Андижон вилояти Бўз туманида фаолият кўрсатаётган “RASH-MILK” МЧЖ мисолида кўриб чиқамиз.

“RASH-MILK” МЧЖда қорамолларни парваришлаш, сўт хомашёсини олишдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқични ўзида мужассам этган кластер усули жорий этилган. Корхонада 200 нафардан зиёд йигит ва қизлар иш билан таъминланган. 40 дан ортиқ турдаги сўт маҳсулотларини ишлаб чиқараётган корхона кунига 150 тоннадан ортиқ сўтни қайта ишлашга ихтисослашган.

“RASH-MILK” МЧЖнинг бошқариш амалиётини баҳолаш асосида қўйидагича натижалар олинди.

4-жадвал

“RASH-MILK” МЧЖнинг бошқарув жараёнларини хаётийлик цикли натижалари[17]

№	Корхоналарни бошқариш жараёнлари	Босқичлари	Баллар
1.	Корхона фаолиятини молиявий режалаштиришнинг бошқарув жараёни	Жараённинг ташкил этилиши	2
2.	Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг бошқарув жараёни	Жараённи барқарор ишлаши	4
3.	Нақд пул оқимини оптималлаштириш	Жараённи барқарор ишлаши	4
4.	Бошқарув қарорлари бажарилишини назорат қилишнинг бошқарув жараёни	Жараённинг барқарор ишлаши	4
5.	Инқирозга қарши бошқарув жараёни	Жараённинг ташкил этилиши	2
Баллар йиғиндиси			16

Корхона бошқарув жараёнларини хаётийлик цикли қўйидагича ҳисобланади:

$$K_1 = \frac{KB_{BJ}}{4 * H_1} = \frac{16}{4 * 5} = 0,8$$

Сўнг корхонада ишлаб чиқилган режаларнинг бажарилишини баҳолаш лозим. “RASH-MILK” МЧЖда қўйидаги мақсадли кўрсаткичлар аниқланди ҳамда баҳоланди.

“RASH-MILK” МЧЖнинг мақсадли дастурлари бўйича режанинг бажарилиш ҳолати[17]

Кўрсаткичлар	2021 йил режада	2021 йил амалда	Режани бажарилиши	Баллар	Хисоб-китоблар учун изоҳлар
Тўғри кўрсаткичлар					
Маҳсулотлар сотиш бўйича рентабеллик, %	10,5	9,5	90	1,00	0,1*(90-80)=1,00
Активлар рентабеллиги %	8	6,9	86	0,60	0,1*(86-80)=0,60
Сотиш ҳажми, млрд сўм	25	27	108	2,8	0,1*(108-100)+2=2,8
Молиявий мустақиллик коэффиценти	0,4	0,31	78	0,00	Агар молиявий кўрсаткичнинг ҳақиқий кўрсаткичи 80 %дан камроқ бўлса, 0 балл берилади
Мутлақ ликвидлик коэффиценти	0,1	0,07	70	0,00	
Тескари кўрсаткичлар					
Молиявий цикл, кунлар	30	38	127	0,00	Агар ҳисобот даврида тескари кўрсаткичнинг ўсиш суръати олдингисига нисбатан 120 % дан юқори бўлса, унда 0 балл белгиланади
Барча мақсадли режалар бажарилишини баҳолаш натижалари бўйича баллар йиғиндиси (KB _{FP})	x	x	x	4,4	x

K₂ индикаторининг қийматини ҳисоблаймиз:

$$K_2 = \frac{KB_{FP}}{2 * H_2} = \frac{4,4}{2 * 6} = 0,36$$

Баҳолаш натижасида K₁ индикаторининг қиймати 0,8 ва K₂ индикаторининг қиймати 0,36 этиб аниқланди, “RASH-MILK” МЧЖнинг ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлиги ўртача даражада эканлиги баҳоланди.

Бундай ҳолатда корхона молиявий ҳолатини яхшилаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, инқирозга қарши механизмларни такомиллаштириш, банкротлик хавфини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

Замонавий иқтисодий шароитларда ҳар қандай корхона ўз рақобатбардошлигини оширишга интилади. Бунда ташкилий-иқтисодий бошқарув механизми алоҳида рол ўйнайди, механизм белгиланган вақт ичида ресурслардан фойдаланишни оптимал миқдорини ишлаб чиқиш орқали кўзланган мақсадларга эришишга имкон беради.

Ташкилий – иқтисодий механизм деганда, бошқарув предмети ва объекти, бошқарув мақсади, бошқарувнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари, технологиялари ва бошқарув воситалари каби элементлар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш ва тартибга солиш услублари, усуллари, меъёрлари

тўпламига асосланган бошқарув ҳамда ўз – ўзини бошқаришни ўз ичига олган корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқ жараёни тушунилади.

Бошқарувнинг ташкилий - иқтисодий механизмини баҳолаш учун иккита меъзонга асосланган методология таклиф этилди, бошқарув жараёнлари ҳаёт циклининг босқичи, ҳисобот даври учун мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари режасини амалга оширилиши. Баҳолаш натижасида ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигининг учта даражаси ажратилади: юқори, ўрта ва паст.

Фойдаланилган адабиётлар рўхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартда “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Қарори. / lex.uz

2. Capone R. (2014) Food Economic Accessibility and Affordability in the Mediterranean Region: an Exploratory Assessment at Micro and Macro Levels // Journal of Food Security. –vol. 2. –No. 1. – P. 1-12.

3. Dennis R. (2018) Between the farm gate and the dinner plate: motivations for industrial change in the processed food sector, Ohio State University, United States, – P. 121-12.

4. Gorb O. Organizational-economic mechanism of management of food industry enterprises competitiveness // Journal Annals of Agrarian Science 14. 2016. – P. 191-195.

5. Lowder B.V. Choosing a methodology for entrepreneurial research: a case for qualitative research analysis in the study of entrepreneurial success factors. 2009.

6. Ovaska T. (2004) Entrepreneurship in Post-Socialist Economies, West Virginia University, Department of Economics Working Paper, 6.

7. Беркинов Б.Б., Ахмедов У.А. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларининг таҳлили // Bizines-Эксперт. – Тошкент. 2014. – №8. 47-б.

8. Бобоев И.Ҳ. Маҳаллийлаштириш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш (Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати тармоқлари мисолида): Иқт. фан. ном. дис... автореф. –Т.: ЎзРФАИИ, 2008, 22-б.

9. Гафуров У. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: и.ф.д. дисс. автореф. – Т.: 2017. 96-б.

10. Кульман А. А. Экономические механизмы//. М.: Прогресс; Универс., 1993. 92 с.

11. Исмаилов О.Ш. Развитие пищевой промышленности Узбекистана на инновационной основе. // Экономика региона. 2010. №3. – С. 245-249.

12. Шилова Н.П. Организационно-экономические аспекты развития интегрированных агропромышленных формирований. Воронеж: Воронежский ГАУ, 2013. 244 с.

13. Павленко Н. Экономический механизм эффективного развития сельского хозяйства: Монография. –Белгород: 2010. – 512 с.

14. Сотволдиев Н.Ж. Фарғона водийсида озиқ-овқат бозори ва унинг минтақавий фаолияти. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – № 1, 2018. январь-февраль.

15. Муаллиф ҳисоб-китоблари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

16. Gerasimov K.B. The model and control mechanism in the economic system of type "organization". Actual problems of modern science. 2013. no 1. pp. 47–54.

17. Муаллиф томонидан тузилган.